



Тасдиқлайман

Р.Глиэр номидаги республика  
ихтисослаштирилган музыка мактаб,  
директори А.Х.Джамалдинов

07.04.2022

**ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА  
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА  
НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган музыка мактабда истикомат қилаётган ўқувчиларни 4 маҳал иссиқ овқай билан таъминлаш.

Бажариладиган хизматларнинг 7 ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: : Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган музыка мактаби

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТДАН ТАШКАРИ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилотга таълаблар 2-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган музыка мактабда истикомат қилаётган ўқувчиларни 4 маҳал иссиқ овқай билан таъминловчи ташкилот таклифи.

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Бир йиллик иссиқ овқат миқдори
1	музыка мактабда истикомат қилувчилар	ўқувчи сони	500
2	музыка мактабда истикомат кунлари	кун	270
3	Бир болага ўртача бир кунлик миқдор	сўм	31000
	<b>Бир йиллик жами сумма</b>		

Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган музика мактабда  
истикомат қилаётган ўқувчиларни иссиқ овқати билан таъминловчи  
ташкilotлардан талаб қилинадиган нарсалар.

№	Номи
1	Ташкilot 2 йилдан кам бўлмаган муддатда болалар озик овқати таъминоти билан шуғулланган бўлиши
2	Солик ва бошқа ташкilotлардан қарздорлиги йуклиги
3	Молия йилида фойда билан чикганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиши
4	Ходимларни мед дафтарчалари бўлиши
5	Ходимлар 5 йилдан қўп сажга эга бўлиши



07.04.2022

### **Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби**

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлик қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлик амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

### **2. Танлов валютаси**

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

### **3. Етказиб бериш шартлари ва муддати**

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 31 декабр 2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 31 декабр 2022 йилгача давом этади.

### **4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 15 %, қолган 85 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

### **5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабда 2022 йил йиллик харажатлар сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.